# № 07- сонли пудрат шартномаси

Пахтакор ш 2022 йил 26 июл

**Дустлик туман Ирргиация булими** номидан НИЗОМ асосида фаолияти юритувчи рахбари А.А.Мирзакулов (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) ва **«Bulding-Repair» х/к** номидан НИЗОМ асосида фаолияти юритувчи рахбари А.Ахмедов (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) лар мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб; мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022й. «26» июлга кадар пудратчига зарурий лойихасмета хужжатлари, техник хариталар такдим этиш мажбуриятини олади.

Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати:

2022й. «26» Июлдан

2022й. «31» Августгача.

Пудратчи ишларни олдин бажариш хукукига эга (эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

## 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

**3.**

2.1. Буюртмачи пудратчиға шартнома киймативинг 30 % микдорида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни кабул килишда аникланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлик хажмда бажарилгандан сўнг колган маблағни буюртмачига узил-кесил, хисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин конуний кучга эга булади ва «31» Декабр 2022 йилгача амал килади.

## 3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлаш хамда саклашни амалга ошириш;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чикишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хакида хабарнома олгандан кейин 10 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва кабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аникланганда, булар хакида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини кабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хак тўлаш.

3.4. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

3.4.1. хар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга кадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга кадар бажарилган ишлар кисмига мутоносиб кисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг бахоси билан хамма иш учун белгиланган бахо ўртасидаги фарк доирасида тўлаши хам шарт.

## 4. Шартноманинг бахоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг бахоси 37115820 (Уттиз етти миллион бир юз ун беш минг саккиз юз йигирма) сўмни ташкил килади.

4.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома бахосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,05% микдорда жарима ва хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар бахосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фукаролик конунчилиги меъёрларига мувофик кўлланади.

5. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

### 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

### 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилоят иктисодий судида

(Тарафлар томонидан низоларни хал этиш учун танланган суднинг номи ва жойлашган жойи кўрсатилсин)

кўриб чикишга топширадилар.

### 8. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлик бўлмаган сабаблар бўйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўкотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги карори бўйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний коидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хакикий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова **«Bulding-Repair» хусусий корхонанинг Гувохномаси**

**Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

**Б У Ю Р Т М А Ч И**

**ДУСТЛИК ТУМАНИ ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ**
**СТИР** 305078587
ОКОНХ
**Юридик манзили:** Жиззах вилояти, Дустлик тумани Мевазор МФЙ
**Тел./Факс:**
**ш/х*** 100022860082287042402170001
**Банк номи:** Марказий банк ББ-ХККМ
**МФО:** 00014.
**Ғазначилик бўлинмасининг номи:**
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
**Ғазна х/в:** 23402000300100001010
**Банк номи:** Марказий банк ББ-ХККМ
**МФО:** 00014
**Ғазначилик бўлинмаси СТИР:** 201122919

**ПУДРАТЧИ**

**«Bulding-Repair» х/к**
**СТИР305818979**
**Юрдик манзили:** Жиззах вилояти, Пахтакор т. **Сувонобод МФЙ, А.Темур кўчаси**
**Тел./Факс:** 99-550-33-27
**Банк номи:** Банк номи: АТБ Микрокредитбанк, Жиззах вилоят филиали
**Х/Р:** 20208000100935675001
**МФО:** 00135
**СТИР:** 305818979

**БУЮРТМАЧИ:**

_____________ **А.А. Мирзакулов**

**ПУДРАТЧИ:**

_____________ **А.Я.Ахмедов**

М.У.

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Дўстлик туман ирригация**
**бўлими бошлиғи:**
**_______________**
**А.Мирзакулов**
**«26» июлдаги 2022 йил.**

Дўстлик туман ирригация бўлимига қарашли бюджет маблағлари хисобидан лойиха смета хужжатлари асосида Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари танлов ўтказиш комиссиясининг

ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ № 1

2022 йил "26" июл Дўстлик тумани.

Кун тартиби:

Ахборот парталига жойлаштирилган элон тўғрисида маълумот

1. Элон берилган сана: 15.07.2022 йил
2. Берилган элон тартиб рақами: 22110012122820
3. Буюртма придмети: Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари.
4. Ўлчов бирлиги: услуга
5. Бирлик нархи: сум
6. Берилган миқдори: 1
7. Элон берилиш нархи: 40 000 000 сум

Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари.

Дўстлик туман ирригация бўлимига қарашли Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари бўйича 2 кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик туман ирригация бўлимига хеч қандай етирозлар келиб тушмади. **«Bulding-Repair» х/к** томонидан Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари, бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилилган ва бу талабгор танлов ғолиби деб топилган.

А.Мирзакулов - _______________

Б. Казакбаев - _______________

К.Мустафоев- _______________

Ф.Абдурахмонов- _______________

Ш.Абдусаломов - _______________

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: LJ3344264313

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ 3390

1.Loyihaning turi – Pudrat shartnomasi

2.Loyihaning nomi – Dustlik tuman Irrgiatsiya bo`limi va «Bulding-Repair» x/k o`rtasidagi 2022-yilning 26- iyulidagi № 07-sonli pudrat shartnomasi loyihasi. Loyiha miqdori- 37115820 so`m.

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana- Do`stlik tuman Irrgiatsiya bo`limi tomonidan 2022-yilning 25-iyul kuni elektron tizim orqali markazga taq`dim etilgan.

**Shartnoma loyixasining moliyaviy tamonlariga markaz tomonidan javob berilmaydi!**

## XULOSA:

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, Do`stlik tuman Irrgiatsiya bo`limi tomonidan taqdim etilgan ushbu pudrat shartnomasi loyihasini huquqiy ekspertizadan o`tkazish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti E.I.Qo'chqorov
26.07.2022-yil

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122820 на приобретение Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ёрдамида тозалаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 21.07.2022

Время рассмотрения 21.07.2022 12:21

Конкурсная комиссия Сирдаре-Зарафшон ирригатсия тизимлари хавза бошкармаси Дўстлик туман ирригатсия бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MIRZAKULOV ABDUBAKIR ABDUVALIYEVICH | Рахбар | Дустлик тумани ирригация булими |
| **Секретарь комиссии** | ABDUSALOMOV SHAXZOD RAHMAT O'G'LI | 2-тоифали фойдаланиш ва таьмирлаш ташкил этиш буйича мухандис | Дустлик туман ирригация булими |
| **Член комиссии** | MUSTAFOYEV KOMIL BAXTIYOROVICH | Канал бошлиги | Дустлик туман ирригация булимси |
| **Член комиссии** | KAZAXBAYEV BOBUR NURTOZA O'G'LI | Бош гидрометир | Дустлик тумани ирригация булими |
| **Член комиссии** | ABDURAXMANOV FAYZULLA NEGMURATOVICH | Бош гидротехник | Дустлик тумани ирригация булими |
| **Член комиссии** | MAMATOV RAXMIDDIN AXMEDOVICH | Канал бошлиги | Дустлик тумани ирригация булими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.07.2022 года № лота 122820.
Метод оценки предложений – бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по содержанию водохозяйственных систем и сооружений** |
| Подробное описание | Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ердамида тозалаш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 40 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 40 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида малумот.

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП BUILDING-REPAIR** | 25 | Хозирги вактда ижарага олинган техникаларимиз етарли | 25 | Экспертная | | |
| **ООО GIDRO TA'MIR NALATGA** | 25 | Сифатли бажарамиз | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП BUILDING-REPAIR** | 40 000 000.00 | 37 115 820.00 UZS | 37 115 820.00 | 00.00 | 37 115 820.00 | 21.07.2022 11:04:33 | 30.00 |
| **ООО GIDRO TA'MIR NALATGA** | 40 000 000.00 | 39 000 000.00 UZS | 39 000 000.00 | 00.00 | 39 000 000.00 | 21.07.2022 11:11:12 | 28.55 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ЧП BUILDING-REPAIR** | 63 | 30 | 93 |
| **ООО GIDRO TA'MIR NALATGA** | 31.5 | 28.55 | 60.05 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122820 от 21.07.2022 года на приобретение Пахтакор туманидаги «ЮР-18» каналини ПК 76+00 дан ПК 116+00 гача механизм ердамида тозалаш ишлари определила победителем:

ЧП BUILDING-REPAIR
305818979

и резервный исполнитель: ООО GIDRO TA'MIR NALATGA (308602344)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MIRZAKULOV ABDUBAKIR ABDUVALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUSTAFOYEV KOMIL BAXTIYOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KAZAXBAYEV BOBUR NURTOZA O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDURAXMANOV FAYZULLA NEGMURATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMATOV RAXMIDDIN AXMEDOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида малумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП BUILDING-REPAIR | 25 | Корхонамизнинг молиявий холати яхши етарли | 25 | Экспертная | | |
| OOO GIDRO TA'MIR NALATGA | 25 | Сифатли бажарамиз | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида малумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида малумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП BUILDING-REPAIR | 25 | Хозирла доимои ишчиларимиз 4 та шартнома асосида 7 та жами 11 та ишчи хизматчилар мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| OOO GIDRO TA'MIR NALATGA | 25 | Сифатли бажарамиз | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг ухшаш хизмат турини бажарганлиги тугрисида малумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг ухшаш хизмат турини бажарганлиги тугрисида малумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП BUILDING-REPAIR | 25 | Вилоятимизда ташкилотлар билан ишлари килинган | 20 | Экспертная | | |
| OOO GIDRO TA'MIR NALATGA | 25 | Сифатли бажарамиз | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида малумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида малумот.

Обязательность: Критично